

**Истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун
нефтмаҳсулотлариниетказибберишҳақидаги**

ШАРТНОМА

“24” 01 2022 й. № 12 Когон тумани

Кенги ўринларда “Махсулот етказиб берувчи” деб аталувчи “Бухоро нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият директори И.Норов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи “Бухоро дж. С. Норов” номидан Устав асосида иш юритувчи иккинчи томондан, ушбу шартномани қўйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1.“Махсулот етказиб берувчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмасига мувофиқ тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса нефт маҳсулотлари учун олдиндан ҳақини тўлаб қабул қилиб олиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.

1.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари миқдори, баҳоси ва муддатлари қўйидаги жадвалда белгилаб қўйилади.

Махсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдори	Суммаси	Шу жумладанчораклар бўйича			
					I	II	III	IV
Автобензин АИ-80	т-н	Махсулот етказиб берилиш санасида амалда бўлган нархда		0,35 2800000 2800000 2800000 .				
Автобензин АИ-91	т-н							
Дизелёкилгиси эко	т-н							
Мой маҳсулоти	т-н							
Автобензин АИ-92	Т-н							

1.3 Агар етказиб берилган нефт маҳсулоти нефтнинг нархи етказиб бериш санасида ўзгарган тақдирда шу санадан янги нархлар кўлланилади.

1.4 Махсулот нархи мунтазам равишда ўзариб туришини инобатга олган, холда “Харидор” маҳсулотни харид қилиш арафасида унинг нархи тўғрисидаги маълумотларни олиш ва агар янги нархларида харид қилиши хоҳламаса маҳсулотини олиб кетмасликка ҳақи бор

2. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. “Махсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун олдиндан 100 фоиз тўловлар келиб тушгандан сўнг нефт маҳсулотлари етказиб берилади.

2.2.“Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини саклаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун маҳсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай холларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Махсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Махсулот “Махсулот етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана “Махсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг маҳсус автотранспорт воситаси ва сиғими “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га ҳамда 1510-84 сонли Давлат стандарти шартларига мувофиқ жиҳозланган бўлиши лозим. Акс холда автотранспорт воситалари нефт омбори худудига киритилмайди ва

уларга нефт маҳсулотлари қўйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг буш келиб-кетиши учун “Маҳсулот етказиб берувчи” жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг маҳсус транспорт воситасида етказиб берилса, автосифим қопқоғи 2417-85 Давлат стандартига мувофиқ “Истеъмолчи”нинг талабига мувофиқ тамғаланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул килиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт наклиётига имзо қўйилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул килиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хохишига кўра “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. **Нефт маҳсулотлари** “Маҳсулот етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишончномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шахобча оператори ўз навбатида тарқатиш варакаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варакасига киритиб борилади. Тарқатиш варакасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўйлик олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «**Маҳсулот етказиб берувчи**» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибида темир йўл траснпортида етказиб берилгандан, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай холатларда маҳсулотни қабул килиш амалдаги “Нефт, газ кондензати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик хуқуки, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Маҳсулот етказиб берувчи» шартнома мажбариятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи» га ўтади.

3. ЎЗАРО ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Шартноманинг суммаси 2 800 000 сўмни ташкил килади.

3.2. Ушбу шартнома маҳсулот етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос бўлади. Ҳисоб-китоблар тўлов топширикномаси орқали амалга оширилади.

3.3. Бюджет ташкилотларига, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига ва пахта-тўқимачилик кластерларига, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшахартрансхизмат” АЖ, майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналари (истеъмолчиларнинг айрим тоифалари)га дизел ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) ўрнатилган тартибида биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртacha биржа нархларида сотилади.

3.4. “Истеъмолчи” нефт маҳсулотларининг харид қилинадиган партияси учун ҳақини олдиндан 100 фоиз миқдорда «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига тўлайди. Олдиндан тўлов пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3.5. Нарх ўзгарган кунгача харид қилинган, лекин “Маҳсулот етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёқилғи тарқатиш шахобчасидан олиб кетилмаган нефт маҳсулоти қолдигига нисбатан ҳам янги нарх қўлланиладива ушбу шартномага кушимча келишув тузилади.

3.6. “Истеъмолчи” биржа савдоларида сотиб олган нефт маҳсулотларини «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг омборидан етказиб берилган тақдирда нефт маҳсулотлар учун “Истеъмолчи” «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг устама туловини тулаб беради.

4. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

4.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» «Харидор» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефтмаҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифатига оид маълумотлар маҳсулот етказиб берилиши жараёнида тақдим қилинадиган сифат паспортида кайд этилади. Маҳсулот Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши лозим.

4.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Харидор» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хуқуқига эга.

5/1 ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар етказиб берилган нефт маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бе

рмаган тақдирда, «Маҳсулот етказиб берувчи» сифати зарур даражада бўлмаган нефт маҳсулотлари кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.2. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш кечикирилган ёки тўлик етказиб берилмаган тақдирда «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»ка кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари кийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

5.3. «Истеъмолчи» га етказиб берилган нефт маҳсулотларини танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда маҳсулотни олишни асосиз равишда рад этганлик учун «Истеъмолчи» «маҳсулот етказиб берувчи»га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) маҳсулотлар қийматининг **5 фоизи** микдорида жарима тўлайди. Маҳсулотлар танлаб олинмаган (олиш асосиз рад этилган) ҳолларда, «маҳсулот етказиб берувчи» жарима ундиришдан ташқари, ушбу маҳсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) маҳсулотлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вактида ҳақ туламаганда «Истеъмолчи» «Маҳсулот етказиб берувчи»га муддати кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

5.5. «Истеъмолчи» томонидан сарфланган транспорт харажатлари ва бошқа қўшимча тўловларни тўламаганлиги учун «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га тўлов муддати утказиб юборилган хар бир кун учун белгиланган муддатда туламаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати утказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.6. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

6.1. Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, куртоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар содир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости хужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги хужжатлар асосида исботлансан жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

“Махсулот етказиб берувчи”ни ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда тарафлар, қоидага кўра, мустақил равишида ёки туман (шахар)лар хокимликлари хузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чоратадбирларини кўрадилар.

Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши лозим.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, мустақил равишида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

8.2. Тарафлар ўзаро келишполмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган иқтисодий судда ҳал қилинади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишида бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада ваколатга эга бўлган вакиллари томонидан имзолангандан сўнггина ҳакикий хисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхаси ҳам тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Шартноманинг бажарилишида бир томонлама рад этиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

10. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва имзолари:

“Махсулот етказиб берувчи”

“Бухоро нефт базаси ”МЧЖ

Бухоро вилояти, Когон тумани

Туткунда МФЙ

X/c: 20210000904268620001

ХАТВ “Orient Finans bank” Тошкент ш

Шайхонтохур ф-л ИНН:204587384

МФО: 01115

Тел. рақами: 65-228-74-77;

Бухгалтерия 65-228-72-10.

М.Ражабов


(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.Ў.


ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекисининг Хўжалик шартномалари хакидаги умумий қоидалар 353-354-моддалари ва (нефт маҳсулотлари етказиб бериш хакидаги умумий қоидалар) 437-456 моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида экспертиза қилиб, шартнома лойихасини конунчилик хужжатларига мос келишини аниқладим. Шу сабабли ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

Юрист:




“Истеъмолчи”



Буҳоро давлат фрим
Гарансиёнига
Водрёниб ҳ. Ҳолат 102
Х/Р: 4002318606214704220314200

ИНН: 103 621 880
Р/н: 93 772 - 1881


Х/Р: С. Жонбеков
(имзо) (Ф.И.Ш.)
М.Ў.